

«Эл-юртимизнинг эзгу орзу-истакларини рўёбга чиқариш, бу йўлда ров бўлиб турган турли тўсиқларни, бюрократизм, лоқайдлик, таъмагирлик, коррупция каби салбий иллатларни дадиллик билан кўтариб чиқиб, уларга қарши мурасасиз жамоатчилик фикрини шакллантиришни ўз касби, ўз ҳаётининг маъно-мазмуни деб биладиган журналистларни мен ҳақиқий журналист деб ҳисоблайман».

O'zingni angla!



# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2017-yil 28-iyun, chorshanba

№ 26 (1037)

1996-yil dekabr dan chiqra boshlagan

Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz www hurriyat.uz

## МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадри дўстлар!

Аввало, сиз, азизларни — юртимиздаги барча журналистлар, газета ва журналлар, теле-радиоканаллар, нашриёт ва матбаа корхоналари фидойиларини, муҳтарам фахрийларни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, сизларга ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромим, эзгу тилакларимни изҳор этишга руҳсат бергайсиз.

Кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлган оммавий ахборот воситалари ҳақида сўз юритганда, биз, аввало, доимо янгилик излаб, янгиликка интилиб, ҳаётнинг қайноқ нуқтага кириб борадиган, ҳолислик ва ҳаққонийлик, Ватан ва халқ манфаатларини биринчи ўринга қўядиган олижаноб ва масъулиятли касб эгаларини тасаввур қиламиз.

Ҳурматли юртдошлар!

Бугун мамлакатимиз қатори Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ҳам мустақиллик йилларида катта ривожланиш йўлини босиб ўтганини барчамиз яхши биламиз ва бундай ютуқлар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Ҳозирги кунда республикада 1500 дан зиёд оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда. Биргина Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибидаги телеканалларнинг бир сутка давомидаги умумий эфир вақти 616 соатни ташкил этмоқда. Ҳолбуки, мустақилликдан олдин бу рақам бор-йўғи 48 соатга тенг эди, холос.

Эътиборга молик жиҳати шундаки, оммавий ахборот воситаларининг таркиби ҳам тубдан ўзгариб бормоқда. Буни юртимиздаги барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радио-каналларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари экани ҳам тасдиқлайди. Яқин кунларда иш бошлайдиган, кечаю кундуз узлуқсиз фаолият олиб борадиган «O'zbekiston — 24» телеканали миллий ахборот маконида ўз муносиб ўрнини ва ўз томошабинларини топади, деб ишонамиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, энг тезкор ахборот воситаси — Интернет ҳаётимизга тобора чуқур кириб бораётганини алоҳида қайд этиш лозим. Ҳозирги вақтда глобал тармоқда Uz доменли веб-сайтлар, ахборот порталлари сони 400 дан ошиб кетгани, уларнинг аксарияти хорижий

тиллarda фаолият кўрсатаётгани, ушбу йўналишда янги ижодий авлод — Интернет журналистлари шаклланиб бораётгани эътиборга сазовордир.

Албатта, бундай натижаларга эришишда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш масаласи давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келаётгани ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Ана шундай эътибор туфайли ўтган даврда журналистларимиз учун фаолият майдонини кенгайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида кўп ишлар қилинди. Жумладан, матбуот ва оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш ва ривожлантириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган, демократик талаб ва стандартларга тўла жавоб берадиган 10 га яқин қонун ҳужжати қабул қилиниб, бу борада мустақкам ҳуқуқий база яратилди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Миллий матбуот маркази, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди каби ташкилотлар муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Кейинги пайтда уларнинг қаторига Халқаро пресс-клуб ҳам қўшилди.

Сиз, азизларга яхши маълум, бугунги кунда мамлакатимизда китоб муҳситоларини нашр қилиш ва тарқатиш тизими самардорлигини ошириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш масаласига катта аҳамият берилмоқда. Бундай муҳим вазифани амалга ошириш учун юртимизда 118 та нашриёт, 1 минг 760 та матбаа корхонаси, минглаб ижодий ва техник ходимлар фаолият олиб бормоқда. Уларнинг саяё-ҳаракатлари билан ҳар йили 7 тилда 60 миллион нусхадан ортиқ китоб чоп этилмоқда.

Албатта, бу ҳақда кўп гапириш мумкин. Лекин ана шу миқдор кўрсаткичларини сифат кўрсаткичларига айлантириш, шу асосда оммавий ахборот воситаларининг ҳақиқий тўғриги ҳоқимият бўлиб майдонга чиқишига эришиш, миллий медиа майдонимизда фикрлар ва қарашлар ранг-баранглигини таъминлаш бугунги кунда долзарб вазифа бўлиб қолаётганини барчамиз яхши тушунамиз.

Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида энг муҳим устувор йўналишлар белгилаб берилгани сизларга яхши маълум, албатта.

Халқ билан мулоқот, одамларнинг орзу-интилишлари, дарду ташвишлари билан яшаш давлат сиёсати даражасига кўтарилаётган бугунги кунда ҳар бир оммавий ахборот воситаси чинакам мулоқот майдончасига, эркин фикр минбарига айланган тақдирдагина биз ўз олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз.

Айниқса, ҳаётимиздаги мавжуд муаммоларни, жойларда ташкил этилган Президентнинг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонада аҳоли томонидан кўтарилаётган ўқир ва долзарб масалаларни, уларнинг сабаб ва омилларини очиб бериш, жамиятимизда танқид ва ўзини ўзи танқид руҳини кучайтириш, афсуски, оммавий ахборот воситалари фаолиятида ҳали тўла ўз ифодасини топгани йўқ.

Бугун замон шиддат билан ўзгармоқда. Ҳаёт барчамиздан дадил ҳаракатларни, фаол ташаббусларни, ҳамма соҳада ҳаққоний ва одил муносабатни талаб этмоқда. Кўпни кўрган, сабр-тоқатли, меҳнатқаш ва олижаноб халқимиз амалга оширилаётган ана шундай муҳим ўзгаришларнинг натижасини кутмоқда.

Эл-юртимизнинг эзгу орзу-истакларини рўёбга чиқариш, бу йўлда ров бўлиб турган турли тўсиқларни, бюрократизм, лоқайдлик, таъмагирлик, коррупция каби салбий иллатларни дадиллик билан кўтариб чиқиб, уларга қарши мурасасиз жамоатчилик фикрини шакллантиришни ўз касби, ўз ҳаётининг маъно-мазмуни деб билладиган журналистларни мен ҳақиқий журналист деб ҳисоблайман.

Албатта, барчамиз яхши тушунамиз, бунинг учун оммавий ахборот воситалари вакилларидан нафақат профессионал билим ва малака, ҳаётий тажриба, ўз сўзи учун масъулият ҳисси, айна вақтда юксак гражданлик позицияси, маънавий жасорат ҳам талаб этилади. Бундай мақсадга эришиш учун оммавий ахборот воситаларига қонунчилик нуқтаи назаридан, моддий-техник, ўқув-услубий таъминот нуқтаи назаридан янада кенг имкониятлар яратиб беришимиз керак.

Замонавий миллий журналистика мактабини яратиш кўп жиҳатдан, ав-

вало, юксак маънавий-интеллектуал салоҳиятга эга бўлган, бугунги кун талабларига жавоб берадиган малакали кадрларни тарбиялаш билан чамбарчас боғлиқдир. Бу муҳим вазифани амалга ошириш учун биз аввало тегишли олий ўқув юрталарининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг савияси ва малакасини ошириш, соҳага ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, давлат ташкилотлари ва фуқаролик институтлари, экспертлар ҳамжамияти, хорижий ва халқаро ижодий ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кучайтиришимиз зарур.

Бугун Ўзбекистон барча соҳаларда тараққиётнинг янги босқичига қадам қўймоқда. Олдимизда турган, бир-биридан муҳим ва долзарб вазифаларни ҳал этишда, юртимизда тинчлик-осойишталик, ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини, унинг ўз кучига, эртанги кунга бўлган ишончини ошириш, ҳаётимизда қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш, давлат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, бир сўз билан айтганда, халқ манфаатининг чинакам ҳимоячисини бўлишда оммавий ахборот воситалари бундан бунён ҳам фаол ҳаракат олиб борадилар, деб ишонаман.

Мен сиз, муҳтарам матбуот аҳлининг ҳаётимизни янада эркин, обод ва фаровон этиш учун доимо фидойилик кўрсатиб яшагингизни яхши биламан ва сизларни шу йўлда ўзимнинг энг яқин ҳамкорларим ва ёрдамчиларим деб ҳисоблайман. Сизларнинг машаққатли ва масъулиятли меҳнатингиз ўз муносиб баҳосини топиши, янада самарали бўлиши учун биз давлатимиз ва жамиятимизнинг барча куч ва имкониятларини албатта сафарбар этамиз.

Азиз ва муҳтарам дўстлар! Барчангизни бугунги касб байрамингиз билан яна бир бор самимий кутлаб, сизларга сиҳат-саломатлик, олижаноб фаолиятингизда омад ва ютуқлар, хондонларингизга файзу баракат тиламан.

Доимо соғ-омон бўлинг, азизлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

27 ИЮНЬ — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

## ХАЛҚ ИШОНЧИ ВА МАСЪУЛИЯТ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар оммавий ахборот воситалари ходимларидан янада фаол, ҳозиржавоб, ташаббускор бўлишни, мамлакатимизда кечаётган янгилашни жараёнларини чуқур таҳлил асосида ёритишни талаб этмоқда.

Ўзбек Миллий академик драма театрида 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан ташкил этилган тантанали тадбирда ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрий журналистлар, ноширлар, матбаачилар, олий ўқув юрталарининг журналистика факультетлари профессор-ўқитувчилари ва талабалари тақдир этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси С.Ҳакимов, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси Р.Қурбонов, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети декани А.Матқубов ва бошқалар истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб Биринчи Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллий медиа соҳасини равнақ топтириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, матбуотни чинакам эркин фикр мин-

барига айлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан халқ билан самимий ва очиқ мулоқот ўрнатиш, одамларни ўйлантираётган масалаларга ўз вақтида ечим топиш, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кечаётган ислохотларни сифат ва мазмун жиҳатдан янги босқичга кўтариш, юртдошларимизнинг тинч ва осойишта, тўқин ва фаровон ҳаёт даражасини янги мазмун билан бойитиш, ёшлар маънавиятини юксалтириш борасида олиб борилаётган эзгу ишлар матбуот ходимлари зиммасига ҳам янги-янги вазифаларни қўймоқда.

Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун кенг шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизациялашнинг янги истиқболларини белгилаб берди.

2



# ХАЛҚ ИШОНЧИ ВА МАСЪУЛИЯТ

«Бошланғич 1-бетга»

Мазкур ҳужжатда белгиланган вазибалар асосида жамиятда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, журналистлар фаолиятини ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларига оид ахборотни тақдим қилишнинг замонавий шакллари жорий этилмоқда.

Медиа соҳага кўрсатилаётган эътибор натижасида барча турдаги оммавий ахборот воситаларида тайёрланаётган материаллардаги ўзига хос ижодий, танқидий-таҳлилий ёндашуви, медиа маҳсулотлар сифатини тобора яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Матбуот ва оммавий ахборот воситаларида замонавий технологияларни жорий этиш, соҳа ходимларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг касб са-

ҳамкорликда ташкил этилган «Йилнинг энг фаол журналисти» ижодий танлови ғолиблари диплом ва совғалар топширилди. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси томонидан таъсис этилган «Энг фаол спорт журналисти» республика танлови ғолиб ва совриндорлари ҳам тақдирланди.

Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойиши нашриётлар фаолиятини давр руҳига мос йўлга қўйиш, ноширлик ишининг янада ривожланиши, ёшларда китобхонлик маданиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва бошқа ташкилотлар билан

ҳамкорликда ташкил этилган «Йилнинг энг фаол журналисти» ижодий танлови ғолиблари диплом ва совғалар топширилди. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси томонидан таъсис этилган «Энг фаол спорт журналисти» республика танлови ғолиб ва совриндорлари ҳам тақдирланди.

Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойиши нашриётлар фаолиятини давр руҳига мос йўлга қўйиш, ноширлик ишининг янада ривожланиши, ёшларда китобхонлик маданиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва бошқа ташкилотлар билан

шижоат, ижодий изланиш билан меҳнат қиладиган вақт, — дейди «Тошкент» телеканали муҳаррири, «Йилнинг энг фаол журналисти» танлови ғолиби Улугбек Раҳмонқулов. — Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари ходимларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, меҳнатини эъзозлаш доимий эътиборда. Билдирилган юксак ишончга муносиб бўлиш, зиммамиздаги масъулиятни теран англаш, Ватан, халқимиз манфаатлари йўлида садоқат билан хизмат қилишни асосий бурчимиз, деб биламиз.

Тадбирда Ўзбек Миллий академик драма театрининг «Мирзо Улуғбек» спектакли намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбек Миллий академик драма театрининг «Мирзо Улуғбек» спектакли намойиш этилди.

**Н.УСМОНОВА,  
УЗА мухбири**

## “ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ” ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ

**Аббосова Лобар,** “Маҳалла” телерадиоканали катта муҳаррири — Фуқаролар йиғинларининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва нуфузини янада ошириш, ижтимоий ҳимоя, вояга етмаганлар билан ишлаш, маҳаллада ёшларни спортга кенг жалб этиш мавзуларидаги эшитиришлари учун

**Бегиязова Қумар,** “Туркистон” — “Молодёжь Узбекистана” газеталарининг Қорақалпоғистон Республикасидаги махсус мухбири — Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини тарғиб этишдаги фаол фуқаролик позицияси, турли кўринишдаги ёт фоғлар моҳияти очиб берилган публицистик материаллари учун

**Кенбоева Жасур,** “Овда даврасида” газетаси бош муҳаррири ўринбосари — Маънавий-ижтимоий соҳалардаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти кенг ёритилган туркум мақолалари учун

**Малраҳимова Фотима,** ЎЗАОАВМА “Ижтимоий-сиёсий ток дастурлар тайёрлаш” лойиҳаси мухбири — Ёшларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келадиган ҳар хил зарarli таъсирлардан, “оммавий маданият” ниқоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш, фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги туркум материаллари учун

**Мударисов Ильяр,** “Uzbekistan Today” газетаси масъул котиби вазифини бажарувчи — Мустақилликнинг халқимиз тақдиридаги ўрни-аҳамияти, юртоқларимизнинг ислоҳотлар жараёнидаги фаол иштироки, янги тараққиёт боқичида Ҳаракатлар стратегияси моҳиятига бағишланган туркум материаллари учун

**Ортиқхўжаева Гулбаҳор,** www.adolatnashg.uz сайти муҳаррири — Ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини оммалаштириш, интернет тармоғида миллий ўзбек адабиёти ютуқларини кенг тарғиб этишга қаратилган материаллари учун

**Раҳмонқулов Улугбек,** ЎЗМТРК “Тошкент” телерадиоканали ДУК “Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий дастурлар” бош муҳаррири катта муҳаррири — Мамлакатимизни модернизациялаш ва янгилаш жараёнларининг бориши ҳамда юртимизда юз бераётган муҳим ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар моҳияти чуқур очиб берилган таҳлилий материаллари учун

**Туленов Рустам,** “НҲРЛЫ ЖОЛ” газетаси мухбири — Республикада ҳукм сураётган тинчлик-тотувликни таъминлашда миллатлараро бағрикенглик тамойилининг қадр-қиммати акс эттирилган мақолалари учун

**Турсунов Зафар,** “Пойтахт” радиоси бош муҳаррири — Халқимизнинг бой тарихий-маданий мероси, анана ва қадриятларини тиклаш борасидаги кенг қўламли бунёдкорлик ишларига бағишланган эшитиришлари учун

**Шерматова Гулшан,** “Нуробод” газетаси бош муҳаррири вазифини бажарувчи (Самарқанд вилояти) — Ижтимоий ҳаётимиздаги долзарб муаммолар ечимига, давлат идораларининг халқ билан мулоқот борасидаги фаолиятига бағишланган таҳлилий мақолалари учун

**“ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ” ТАНЛОВИ СОВРИНДОРЛАРИ**

**Абдуллаева Ҳадия** — “Менинг юртим” телеканали мухбири

**Абдурахмонов Санжар** — “Келажақ бунёдкори” газетаси бош муҳаррири ўринбосари (Жиззах вилояти)

**Абдурахмонов Салим** — “Ишонч” газетаси мухбири

**Авезов Амрулло** — “Овози тожик” газетасининг Бухоро вилоятидаги мухбири

**Йўлдошев Ҳаким** — “Жамият” газетаси фотомухбири

**Жўраев Орифжон** — “Наманган садоси” газетаси мухбири

**Матчонова Интизор** — Хоразм вилояти телерадиоканали муҳаррири

**Менглиев Ўқтам** — ЎЗМТРК “Ўзбекистон” телерадиоканали муҳаррири

**Норматова Мафтуна** — “Камолот” радиоси мухбири

**Зиятов Аҳбор** — “Марғилон ТВ” бош муҳаррири (Фарғона вилояти)

**Раҳмонов Искандар** — Меҳнат фахрийси

**Раҳмонова Эльмира** — ЎЗМТРК Андижон вилояти телерадиоканали махсус мухбири

**Умирова Адиба** — “Хуррият” газетаси бўлим муҳаррири

**Шамсиддин Нодирбек Қамариддин ўғли** — ЎЗМТРК “Yoshlar teleradiokanali” телерадиоканали мухбири

**Шухратов Жонибек** — “Кармана овози” газетаси мухбири (Навоий вилояти)

## РАҒБАТ — МУВАФФАҚИЯТ КАЛИТИ

ТАДБИР

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси томонидан 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куну муносабати билан тадбир ташкил этилди.

Ўзбекистон “Адолат” СДП сиёсий кенгаши раиси Н.Умаров ва бошқалар партиянинг гою ва мақсадлари ҳамда фаолиятини ҳолис ва ҳаққоний ёритиш, унга таҳлилий назар ташлаш, барча бундаги энг сўнгги янгиликларни кенг жамоатчиликка етказишда оммавий ахборот воситалари муҳим роль ўйнашини таъкидлади.

Тадбирда оммавий ахборот воситалари вакиллари

мамлакатимизда эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказиш ишига катта ҳисса қўшаётгани қайд этилди.

Тадбир доирасида партия фаолиятини тарғиб қилувчи энг яхши журналистик материал учун “Куч — адолат!” кўрик-танлови ғолиблари тақдирланди. Кўрик-танлов ташкилий



комиссиясига партия фаолиятини фаол ёритиб келадиган 60 нафарга яқин ижодкордан жами 720 та материал келиб тушди.

Кўрик-танлов якунларида кўра, телевидение, радио, матбуот ва интер-

нет йўналишларидаги энг яхши журналистик материаллар муаллифлари диплом ва совғалар билан тақдирланди.

**Ш.МАМАТУРОПОВА,  
УЗА мухбири**

# ОРЗУЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН

Самарқанд тумани марказидан анча юрганимиздан кейин машинамиз манзилга етиб тўхтади. — “Истиқлол шуъласи” фермер хўжалиги шу ерда, — деди ҳайдовчи.

Қаршимизда уч қаватли салобатли бино турарди. У яқинда тикланган бўлса керак, ташқарисига пардоз берилмаганди. Бу бино биз истаган фермер хўжалигининг идораси экан. Чап томонимизда турли қурилмалар бир-бирига улашиб кетган бўлиб, уларнинг биридан моторнинг кучли гулдираган овози эшитилиб турарди. Бу — арматура ишлаб чиқарадиган завод, ундан нарироқда шифер ишлаб чиқариш цехи жойлашган.

Чошгоҳ пайти, кун қиздирмоқда эди. Менинг нигоҳимни дафтатан бинонинг ўнг ёнбошига келиб тақалган ям-яшил кенглик жалб этди. Ундан гўё теваваракка сарин эпкин эсаётгандек эди. Яқинроқ бордим, баъраваж усаётган узумзор экан. Ток новдалари чизиққа терил-

ўзини Шерзод Солиев дея таништириб, фермер хўжалиги раиси ўринбосари эканлигини айтди.

— Раҳбаримизни вилоят ҳокимлигидаги бир йиғилишга зудлик билан чақириб қолишди. У киши келгунларига қадар бемалол суҳбатлашиб ўтирамиз, менга, меҳмонни хўжалигимиз ҳаёти билан таништириб

ундан кейин кўриниб турган боғ гилосзор экан, кейин — олмазор ва ўрикзор...

— Кечирасиз, манови узумзорга қарайдиган миришкор иччи қардан бўладилар?

— Тушунмадим... — муовин каловланди.

— У ишчи фарғоналик эмасми, демоқчиман?

— Йўқ-е, шу ерда туғилиб ўсталар.

— Исмлари?

— Шодмон ака Ҳайдаров...

— Тасанно, қойил!..

Муовиннинг айтишича, фермер хўжалиги ўтган йили богдорчилик ва сабзавотдан яхшигина ҳосил олибди. Жумладан, 22,1 тонна картошка, 59 тонна помидор, 53 тонна узум, 102 тонна олхўри, 96 тонна шафтоли, 4 тонна давлага, 5 тонна қоқоқ ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари еттиштирилган. Уларни сотишдан тушган даромад 405 миллион 385 минг сўмни ташкил этган. Шунингдек, 900 минг доллардан ортиқ валютага сифатли маҳсулот экспорт қилинган.

— Фермер хўжалигимизда эллик нафар ишчи бор, жами ишчиларимиз сони икки юздан ортиқ, — гапира давом этди муовин.

— Жами деганингизга кимлар кирали? — сўрадим мен.

— Улар фермер хўжалигимиз қосида очилган кўшимча тармоқлар ишчилари. Масалан, замонавий қушхона. У анча йилдан бери фаолият кўрсатади. Унда вилоят учун гўшт тайёрлаб етказилади. Қушхонага бир кунда 300 ушоқ мол, 150 қорамол қабул қилинади. Сўнг тайёр маҳсулот сотувга чиқарилади.

Яна хўжалигимиз таъсисчилигида 2011 йилда шифер цехи ташкил этилди ва бу билан ўнлаб иш ўринлари яратилди. Ўтган йили бу цехда 323,7 миң донна шифер ишлаб чиқарилиб, 8 миллиард 194 миллион сўмга сотилди.

2014 йилда арматура заводи ишга туширилди. У бир йилда икки миң тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Айни пайтда миң тонналик сизимга эга музлаткич ҳам фаолият кўрсатяпти.

— Ишчиларнинг ишга муносабати қалай?



гандек саф-саф цемент устунчаларга боланган симларга чирмашиб гуркиради. Ғужон япроқлар орасида ёқа остидан кўриниб қолган маржондек етилиб қолган шингиллар кўзга ташланарди.

Кутиб олган йигитлар бизни бино ичкарасига тақдир қилишди. Бино хоналари шинам ва салқин, эшикларга кўркам эди. Бир неча йигит ва киз ётоллар устидаги компьютерларга термилишганди, демак, улар иш билан банд.

— Келинлар, яхшиси, раисимизнинг кабинетига кира бири. Кабинетга кириб столларга ўтирганимиздан кейин у

туринг, дея тайинладилар, — деди у хуш тақалғуф билан ва кейин жамоа фаолиятдан сўз очди. — Фермер хўжалигимиз “Истиқлол шуъласи” номи билан Бахтиёр ака Одиллов раҳбарлигида 2003 йили ташкил этилган. Жами майдонимиз 15,8 гектардан иборат. Хўжалигимиз дастлаб богдорчилик ва сабзавотчилик билан шуғулланган. Богларимизни мана бу ердан ҳам кузатишингиз мумкин, — дея у кабинетнинг улкан деразаси пардасини суриб очди. Мен дераза яқинига бориб, ташқарига кўз ташладим: боя-кўламиз, — деди йигитлардан бири. Кабинетга кириб столларга ўтирганимиздан кейин у

## Югур-югурлар барҳам топмоқда...

ИМКОНИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 февралдаги “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир кўшимча чораларни таъинлаш тўғрисида”ги қарорига кўра тадбиркорлик субъектларига, хусусан, мулкчилик шаклидан қатъи назар (банклар ва кредит бюралари, уларнинг филиал ва ваколатхоналаридан ташқари) барча тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш “Ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш Ягона марказлари томонидан амалга ошириладиган бўлди.

Шунингдек, Қарорга биноан кўшимча 86 турдаги лицензия ва рухсатномаларни “Ягона дарча” марказлари орқали расмийлаштириш механизмининг бошқичма-бошқич жорий этиш назарда тутилмоқда, яъни 18 таси 2017 йилга, қолган 68 таси 2021 йилгача амалиётга киритилади.

Эндиликда тадбиркорлик субъектлари лицензия ва рухсатномаларни олиш учун бошқа идораларга бормасдан, уларни аниқ муддатларда берилган “Ягона дарча” марказларига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш имкониятига эга бўлади.

Шу ўринда айтиш лозимки, жорий йилнинг биринчи чоррағида Тошкент шаҳри бўйича 3030 та юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда юридик шахс бўлмаган тадбиркорлик субъектлари 4628 нафарни ташкил этмоқда. “Ягона дарча” марказлари

орқали давлат хизматларини кўрсатиш бўйича 5232 та мурожаат келиб тушган.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларининг давлат реестрига электрон шаклда киритилишида кенг имкониятлар яратилди. Хусусан, [Vo.bir.darcha.uz](http://Vo.bir.darcha.uz) тизимида тадбиркорлик субъектларига соддаштирилган ва қўлай бўлган электрон шаклда рўйхатдан ўтиш имконияти мавжуд. Энг муҳими, 2017 йил 1 апрелдан бошлаб банклар ва кредит бюраларидан ташқари барча тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими жорий этилди.

Адлия вазирининг 2017 йил 13 февралдаги буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги тадбиркорлик субъектларига “Ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари фаолиятини

мувофиқлаштириш, ривожлантириш, назорат қилиш ва уларга услубий кўмак кўрсатиш мақсадида ҳар бир туманга Адлия вазирилик масъул ходимлари бириктирилди.

Тадбиркорлик субъектларини автоматлаштирилган рўйхатдан ўтказиш бўйича жорий этилган электрон тизимини “Ягона дарча” марказлари ва бошқа масъул идоралар ходимларига ўргатиш бўйича алоҳида дастур асосида ўқув-амалий семинарлар ўтказилди.

Хулоса қилиб айтганда, ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш каби эзу амаллар адлия органлари ходимларидан юксак масъулият ва мажбурият талаб этади.

**Фурқат ТОЖИЕВ,  
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси масъул ходими**






# ОАВ эзгуликка хизмат қилсин

## ШАРХ

Кунни кеча мамлакатимизда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларининг касб байрамларини муносиб нишонлашди. Одатда, касб байрамларида маълум бир соҳада эришилган натижалар кўпроқ айтилганидек, бу гал ҳам Ўзбекистон ОАВдаги янгилик ва ўзгаришлар хусусида сўз юритилди. Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида соҳада сон ва сифат жиҳатдан туб ўзгаришлар рўй берди, десак тўғри бўлади. Хусусан, айни кунда 1500 дан кўпроқ газета ва журналлар, 118 та нашриёт, ўнлаб теле-радиоканаллар фаолият юритмокда. Бинобарин, шўро даврида мамлакат телеканалларининг сўтқалик эфир вақти атиги 48 соатни ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб у 616 соатга етди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг соҳа ходимларига йўллаган табригида бугунги кунда ОАВнинг мамлакат ижтимоий ҳаётида аҳамияти ва у эндиликда кўтарилаётган муаммоларга кўпроқ танқидий-тахлилий нуктаи назардан ёндашиши жонлиги хусусида қимматли фикрлар билдирилди. Бунда айниқса, фуқаролик жамиятини барпо этиш, демократик жараёнларни янада жадаллаштиришда ОАВга алоҳида урғу берилмокда. Гарчи ҳали олдидан қилинадиган ишлар кўп бўлса-да, Ўзбекистон матбуот ва ОАВлари том маънода “тўртинчи ҳокимият” макомига эришиш учун интилмокда. Аммо жаҳоннинг кўплаб ҳудудларида журналистика энг хатарли касб бўлиб қолаётир.



ларни керак. Эркинликка интилиш ҳар бир журналист олдидан турган вазафа, аммо чегарани билиши шарт. Медиа жамият олдидан ўз зиммасига маълум бир мажбуриятларни олиши керак. Бу мажбуриятлар ахборот тарқатишда ҳалоллик ва адолатни талаб қилади. Аммо жамоатчилик фикрини чагиритиш аниқ оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилмокда. У ёки бу мамлакатни ёмонотлиқ қилиш, ўзи танлаган тараққиёт йўлидан қайтаришга бўлган уринишлар замирида тор манфаатлар ётибди.

Ахборот ҳафизлиги ҳар бир давлат миллий ҳафизлигининг таркибий қисми. У давлат ва жамиятнинг барча соҳаларидаги миллий манфаатларни ҳимоя қилишга қаратилган бўлиши керак. Америкalik олим Лэнс Беннет таъкидлаганидек, “ҳар қандай давлатнинг оммавий ахборот воситаси чет эл таъсири остида қолар экан, жамият ўз тарихий идеаллари, ҳаётининг бузишга йўналтирилган ахборотлар оғушида қолади”. Ҳозирги кунда жаҳондаги турли “қуч маркаларининг” геосиёсий қарама-қаршилиги “ахборот макони”га кўчди. Яъни олдидан сўз билан айтганда, ахборот кимнинг қўлида бўлса ўша ҳақ бўлиб чиқмокда. Одамлар онгини, дунёқарашини ёт гоьлар таъсирига бўйсундиришга интилиш ҳолатлари айнан матбуот орқали амалга оширилаётганини ташвишлидир. Интернетдаги ижтимоий саҳифалар ҳам нафратта қаратилган давъатларга қарши курашиши лозим.

Одамлар дунёқарашини у ёки бу гоьлар таъсирига бўйсундиришда дунёлараст, амалпараст кучлар ўз

сонларнинг ҳалок бўлганини ҳеч бир нарсга билан оқлаб бўлмайди. Аммо масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Аксарият Ғарб нашрларининг бу ҳажв журналида нашр этилган ислом дунёсида, дунёнинг қарийб 2 миллиардга яқин аҳолиси сўнги пайгамбар сифатида тан олган ва қадрлайдиган Мухаммад (С.А.В.)нинг ҳажвий қиёфасини қайта-қайта босиб чиқаришларини сўз эркинлигини қўллаб-қувватлаш сифатида талқин қилишлар ақлга тилмайди. Бу билан улар динлар ва қадриятлар ўртасидаги нифоқни янада кучайтиришга рағбат берди. Энг ривожланган давлатлар нашрлари ҳам жаҳолатга қарши жаҳолат билан эмас, маърифат билан жавоб бериш ҳақида ўйлаб кўрмади. Карикатуралар ўнлаб газеталарда чоп этилган. Улар ушбу ҳаракатларнинг ҳалок бўлганлар хотирасига ҳурмат сифатида ва жамиятда матбуот эркинлиги, сўз эркинлиги, санъат эркинлиги учун нашр этганиги билан изоҳланди.

Шунга қарамай, бир қатор ахборот агентликлар, жумладан, Associated Press, CBC News ва CNN мазкур фаолиятдан ўзларини тийган. Нима бўлганда ҳам қадриятлар, маданиятлар ва динлар ўртасидаги қарама-қаршиликлардан фойда кўрувчи томонлар ютмокда. Улар динни террордан, маданиятнинг маданиятсизликдан ажрата олмайди, ахлоқсизликни эркинлик деб билувчи инсонларнинг укувсизлигидан фойдаланмокда.

Айрим мамлакатларда “Тўртинчи ҳокимият” “биринчи ҳокимият”га интилувчи матбуотнинг борлигидан кўз юмиб бўлмайдими. Улар — олигархлар, моллийларнинг қўлидаги бир ўйинчоқ эканлигини ёдан чиқариши керак эмас. “Тўртинчи ҳокимият” деб юритилаётган бўлишига қарамай ОАВни ҳукумат ёки тижорат структураси деб эмас, балки том маънодаги фуқаролик жамияти институти сифатида кўриши керак.

Шарофиддин ТўЛАГАНОВ

## БУ ТУРФА ОЛАМ

ЭНГ ҚАДИМИЙ ЁЗУВЛАР АНИҚЛАНДИ



АҚШнинг Йель университети ҳамда Брюсселдаги Кириллик санъат ва тарих музейи археологлари ҳамкорликда энг қадимий ва дастлабки деб эътироф этилаётган тошга ўйиб ёзилган иероглиф-ёзувларини аниқлашди.

Мазкур иероглифлар қадимий Мисрнинг Ал-Каб шаҳрида олиб борилган қазималар вақтида топилган. Албатта, узок тарихдан дарак бериувчи монументал иероглифлар қадимий Миср цивилизациясида дарак беради. Расм шаклидаги бундай қадимий тош ёзувлар эҳром деворларида, жамоат биноларида ва бошқа Худога сиғинадиган жойларда жойлаштирилган. Янги топилмаларнинг айримларининг баландлиги ярим метргача келади.

Авал олимлар икки сантиметр катталиқдаги расмларга дуч келишган эди. Шунингдек, қазималар вақтида археологлар турли расмларни ҳам топилган. Улардан бири йўлбарс тасвири туширилган картинадир. Бундан ташқари, тўрт ёввойи ҳайвон танаси акс этган жадвал ҳам кўпчиликка қизиқ туюлмокда. Мисршунос олимларнинг таъкидлашларича, бир нечта иероглифлар фиръавнлар даврида кинотни ўрғанишга ҳаракатлар бўлганини тасдиқлайди. Илмий тадқиқотчиларнинг фикрича, иероглиф-ёзувлар янги топилмаларнинг географияси ва турлари ҳар хиллиги билан олдингиларидан тубдан фарқ қилади.

## СПОРТ КИЙИМИ АУКЦИОНДА СОТИЛДИ

1984 йилда Американинг Лос-Анжелес шаҳрида ўтказилган ёнги Олимпиада ўйинлари пайтида Америка баскетбол терма жамоаси вакили Майкл Жордан кийган спорт кийими аукционда рекорд даражадаги сумма 274 минг АҚШ долларига сотилди.



Лос-Анжелес — 1984 Олимпиада ўйинларида Америка Қўшма Штатларининг баскетбол жамоаси олтин медалларни қўлга киритган. Уша пайтда 21 ёшда бўлган Жордан жамоанинг энг яхши ўйинчиси бўлган эди. У ҳар бир ўйинда ўртача 17,1 очкони ўз ҳисобига ёзиб кўйган.

Бунга қадар энг юқори нархда сотилган баскетбол жамоаси вакилининг кийими 2015 йилда 173 минг АҚШ долларига сотилган эди. Мазкур аукционда ҳам Майкл Жорданнинг «Чикаго-Буллс» клубида фойдаланган 23-рақамли майкеси сотилган эди.

Жорий йилнинг 12 июнида бўлиб ўтган аукцион савдоларида эса Жорданга Лос-Анжелес Олимпиадаси паркетларида омад келтирган кроссовка ҳам сотилди. Бахтли харидор ушбу омад келтирувчи оёқ кийимини учун 190 минг долларнинг баҳридан қочди.

Жордан спортдаги фаолияти давомида олти карра «Чикаго Буллс» жамоаси билан АҚШ МБАси чемпионлигини тантана қилган. Икки мартаба АҚШ миллий терма жамоаси билан ёнги Олимпиада ўйинларининг (Лос-Анжелес — 1984 ва Барселона — 1992) олтин медалини қўлга киритган.

## НАВБАТДАГИ ИХТИРО

Парижнинг Ле-Бурже аэропортида ўтказилган халқаро авиасалонда Исроилнинг Eviation Aircraft компанияси электр кучи кўмагида ҳаракатланадиган Alice йўловчи ташити самолётини намойиш қилди.

Ушбу ҳаво кемасининг оғирлиги 6 тонна, узунлиги 12 метр, қанотларининг узунлиги эса 13,4 метрни ташкил қилади. Олти нафардан тўққиз нафаргача йўловчиларни ўз бағрига сиғдира оладиган ушбу курилма бир зарядда 965 километргача бўлган масофани босиб ўта олади. Бир соатда самолёт мотори, алюмин-аккумулятор кўмагида 980 киловатт энергияни сарфлайди. Соатига эса 450 километр масофани босиб ўта олади. Осмонга кўтарилиш баландлиги 3 километрни ташкил қилади.

— Бизнинг электр самолётимиз келажак техникасидир. Бу одамларга ҳавфсиз, арзон ва жуда тез Кремнийдан Сан-Диегога ёки Сеулдан Пекинга етиб олиш имконини тақдим этади, — дейди компания директори Омер Бар-Йохай.

Ле-Бурже аэропортидаги мазкур авиасалон дунёдаги йирик авиасалонлардан бири ҳисобланади. Биринчи самолётлар кўрғазмаси Парижда 1908 йилда ўтказилган. 1949 йилдан эътиборан эса, ушбу ярмарка икки йилда бир мартаба ўтказилиб келинмокда.

## ТУХУМДАЙ ДЎЛ ЁҚҚАНДА

Хакасия Республикасида дўл ёғиши оқибатида беш нафар саёхатчи зарар кўрди.

Дам олувчиларнинг автомобилларига турли даражада шикаст етган, дейилади худудий нашрлардан бири тарқатган баҳарда. Бундан ташқари, Ширин ва Болградск туманлари худудидидаги турар жойларга ҳам жиддий зарар етган. Бешинчи каналнинг маълум қилишича, муз дўлнинг катталиги тувуқ тухуми ҳажмида бўлган. Республика маъмурияти мазкур табиий офатдан зарар кўрганлар ва уй эгаларига қурилиш материаллари сотиб олиши учун бир марталик тўловлар беришга қарор қилди.

Хакасия Республикаси об-ҳаво маркази раҳбари Роман Вильфанц ушбу ёз мавсуми анча совуқ келишини таъкидлаб ўтди. — Кўпчилик одамларнинг айтишича, бундай табиий офат аввал умуман кузатилмаган. Эсингизда бўлса керак, ўтган йили июнь ойининг биринчи ўн кунлигида республикада ана шундай ҳаво ҳарорати кузатишган эди, — дея таъкидлаб ўтди у.

Рус тилидан Жобир ХЎЖАКУЛОВ таржимаси.

Хар йили дунёнинг энг қайноқ нуқталаридан репортажлар тейёрлаш жараёнида ўнлаб журналистлар ҳалок бўлади. Таъкидланганича, сўнги йилларда жаҳонда матбуот ходимларини ўғирлаш ва ўлдириш ҳолатлари кўпайган. Хусусан, сўнги 10 йилда 700 нафар матбуот ходими профессионал фаолияти пайтида ёки касбий фаолияти учун ўлдирилган.

Журналистлар учун энг хавфли минтақалар Осие, Лотин Америкаси, Яқин Шарқ, Хорватия ва Африка мамлакатлари ҳисобланади. Хизмат вазиғасини бажараётган оммавий ахборот воситалари ходимларининг ўлимидан ташқари уларнинг жароҳат олиши, ўғирлиғини ва ҳибсга олиниши билан боғлиқ ҳолатлари ҳам инкор этиб бўлмайди. Бу ҳаби ҳолатлар Афғонистон, Сомали, Конго ва Мексикада тез-тез учраб туради. Кўп ҳолларда журналистларнинг қотиллари жавоб-берилмади.

“Қайноқ нуқта” ва беқарор мамлакатларда ҳалок бўлган журналистларнинг 10 фоизи террор ҳолатлари натижасида ҳаётдан кўз юмади.

ЮНЕСКО маълумотларига кўра, журналистика хавфли бўйича яқин-яқинда учинчи ўринда туради, кейинчалик иккинчи ўринга чиқди. Эн-

диликда биринчи ўринни эгаллаб турибди. Чунки жаҳонда турли мождарлар кўпаймокда. Журналистлар бу мождарлар ичида юриш ва уларни кенг ёритишга мажбур.

Давримизга ҳақли равишда “ахборот асири” деб ном берилган. Жаҳон аллақачон ягона ахборот майдонида айланиб бўлди. XX аср охири — XXI асрга келиб дунё бутунлай ўзгариб кетди. Ахборот-коммуникация соҳаларининг тараққиёти, геосиёсий вазиятнинг кескин ўзгариши ким ахборотга эга бўлса ўша жамиятни бошқаришини кўрсатиб қўйди. Бу эса ҳар қандай давлат олдига долзарб муаммоларни қўймокда.

Бир вақтлар журналистлар мақола ёзиш учун авторучка ва ёзув машинаси билан фойдаланишарди. Кейинчалик радио ва телевидение пайдо бўлди. Сўнги, журналистлар фойдаланган эски техникалар ўрнини мобил телефонлари, компьютер, ноутбук, рақамли диктофонлар эгаллади. Журналистларнинг бир авлоди кўз ўнгида ахборотларни узатиш технологияси тубдан ўзгариб кетди. Бироқ ОАВнинг ҳолиси, тўғри ахборот тарқатиш босқинчилиги масъулиятини ўша-ўшалигича қолиши керак эди. Аммо минг афсуски, бундай бўлмапти.

Ҳаёт ҳақиқати шунки кўрсатмоқдаки, ҳар қандай тараққиёт маъсулидан икки хил мақсадда — эзгу-

лик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин. Замонавий дунёда ахборотлар шу қадар кўпки, тарқатилаётган ахборотларнинг қай бири тўғри, қай бири нотўғрилигини аниқлашга инсон онги биринчи тарқалган хабарга мослашган бўлади. Радио ва телевидение пайдо бўлгандан кейин дунё ўзгариб кетган эди. Интернет пайдо бўлиши билан эса бутунлай ва тубдан ўзгарди. Энди ахборот озчиликнинг эмас, барчаннинг мулкига айланди. Ҳозирги пайтда ер юзининг қай чеккасида бирор воқеа юз бермасин, дунёнинг бошқа чеккасида турган бўлишига қарамай одамлар бу ҳақида зуллик билан хабар топиши ҳеч кимга сир эмас. Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидидаги ҳаракатлар шу қадар тизиг, шу қадар тезкорки, энди илгаридек, бу воқеа биздан жуда олдинда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, дея бепарво қараб бўлмайди.

Айрим ҳолларда матбуот одамларга салбий таъсир кўрсатишидан кўз юмиб бўлмайди. Бунга биз дунёда юз бераётган ҳолатларнинг халқаро телерадио каналлари, ахборот агентликлари, интернет сайтлари томонидан нотўғри талқин қилинган ҳолда ёритилаётганидан қўрқиб турибмиз. Журналистлар ва медиаходимлари нафақат иш берувчилар ва бозор олдидан, балки жамият олдидан ҳам масъулиятни ҳис қилиш-

## ЖУРФОИЙ САЁХАТ

Дунёда шундай гаройиботлар борки, уларни табиатнинг ҳаққий мўъжизасига тенглаштириш мумкин. Ер ости туннеллари ҳақида барчамиз тасаввурга эгамизу, лекин оддийгина дарё сувлари шакллантирган улкан жарликларга бой ғорлар ва уларнинг ичида пайдо бўлган 6 километрли заллари, ер ости йўлақлари ҳақида доим ҳам хабардор бўлавермаймиз. 120 метрлик кенглиги ва 300 метрлик бўйи сабабли Европадаги энг йирик грот (денгиз қирғоғидидаги тик қояларда ҳосил бўладиган ғор) ҳисобланувчи Шкоцян ғорлари билан машҳур Словениянинг ҳар бўлишида она замин яраткичлари га гувоҳ бўлиш мумкин. Ушбу мамлакат ҳаммиша сайёҳларга бағрини кенг очган ва ўз самимий муҳити билан уларнинг ёдида қолган.

Словения Республикаси Болкон ярим оролининг шимоли-ғарбида жойлашган давлат бўлиб, унинг майдони 20,3 минг квадрат километрни ташкил этади. Аҳолиси 2 миллиондан зиёд. Пойтахти — Любляна шаҳри. Маъмурий жиҳатдан 62 туманга бўлинган. Ғарбдан Италия, шимолдан Австрия, шарқдан Венгрия ҳамда жануби-шарқдан Хорватия билан чегаралаш мамлакатда еврода муомала қилинади. Давлат бошлиғи — президент.

Болкон яриморонининг шимоли ва Европанинғ жануби шарқиди жойлашган ушбу мамлакатда мўтадил иқлим ҳукмрон. Мамлакат асосини ташкил этувчи тоғлар мамлакат марказида ҳам устунлик қилади. Драва ва Сова номили дарёлари бор. Қарет кўллари ҳам жуда

машҳур. Мамлакат худудининг 50 фоизини эгаллаган ўрмонларда истганча эман, арча каби дарахтларнинг гўзаллигидан баҳраманд бўлиш мумкин. Айиқ, силовсин, қийик ва оху каби ёввойи ҳайвонлар кенг тарқалган.

Словения — индустриал аграр мамлакат бўлиб, унинг иқтисоди шаоат ишлаб чиқаришга асосланган. Қўмир, рух, қўроғшини каби фойдали қазилмалар қазиб олиш ва уларни қайта ишлаш йўлга қўйилган. Пойтахти Любляна ва Есенице шаҳарларида оғир саноат корхоналари жойлашган бўлса-да, саноатининг асосини машинасозлик, кимё ва енгил саноат ташкил этади. Бундан ташқари, мамлакатда металлургия, ёғочни қайта ишлаш, териға ишлов бериш, спорт моллари ишлаб чиқариш яхши тараққий этган. Полиграфия соҳаси ҳам алоҳида эътирофга лойиқ.

Словениянинг деярли ҳар бир шаҳарчаси ўз номи билан машҳур. Шулардан бири хушманзара Блед шаҳарчасидир. 1004 йилда асос солинган мазкур шаҳарда 5 мингга яқин киши истиқомат қилса-да,



# ЕВРОПАНИНГ ЮРАГИ

Қишлоқ ҳўжалигининг 40 фоизини дехқончилик, 55 фоизини чорвачилик, қолган қисмини узумчилик ва боғдорчилик ташкил этади.

Ҳукумат кейинги йилларда туризм соҳасида фаолият юритаётган хусусий тадбиркорларни алоҳида рағбатлантирмокда. Туризм кетидан келадиган даромад эса асосий валюта тушум манбаларидан бири ҳисобланади. Асосий савдо ҳамкорлари Германия, Италия, Франция, Хорватия ва Австрия мамлакатларидир.

Словениянинг деярли ҳар бир шаҳарчаси ўз номи билан машҳур. Шулардан бири хушманзара Блед шаҳарчасидир. 1004 йилда асос солинган мазкур шаҳарда 5 мингга яқин киши истиқомат қилса-да,

шаҳарча ўз спалари билан ном қозонган. Еловик пасттекистида жойлашган Ямникда эса Алп тоғларининг гўзал манзараси яққол кўзга ташланади. Тепалик устида маҳаллий черков ҳам қурилган.

Пиромни “Словения соҳилидаги марварид шаҳар” деб аташади. Бу шаҳарчада шундай ажойиб қонда борки, машинада саёхат қилишни истаган сайёҳ алоҳида рухсатномага эга бўлиши керак. Бироқ фақат яёв юрибгина эски шаҳарнинг ҳар бир бурчадаги ажойиботларни кўриш ва унинг гўзаллигидан баҳраманд бўлиш мумкин. Айнан шу шаҳарча ичидан денгиз бўйида жойлашган асосий дам олиш маскани — Портрочта ўтиш мумкин.

Словения Республикаси билан юртимиз ўртасида дўстлик алоқари мустаҳкам йўлга қўйилган. Бунни икки мамлакат ўртасида имзоланган битимлардан ҳам билиш мумкин. Жумладан, 2013 йил 11 февралда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Словения Республикаси ҳукумати ўртасида “иккиёқлама солиққа тортишга йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишининг олдини олиш бўлиши”га битим имзоланган. Икки мамлакат ўртасида имзоланган “Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисида”ги битим ҳам аҳамиятта моликдир.

Гўзал МАЛИКОВА тейёрлади.





**Yangi**

**SAFIR**  
Apelsin  
Olma-Shaftoli  
Olma

**Milliy shodiyona lazzati**

MCHK «MASTER GLOBAL PLYUS»  
www.mgp.uz  
Телефон: +99871 245-76-01  
Сайт: www.mgp.uz  
Facebook: www.facebook.com/dolcefreshuz  
Instagram: www.instagram.com/dolcefreshuz

Mahsulot sertifikatlangan  
Reklama

## БОЙСУН МЎЪЖИЗАЛАРИ

### » ОНА ЮРТ БЎЙЛАБ

Юксак чўққилар, ваҳимали даралар, дунёга машхур горлар, баланд ва серсув шаршаралар, қалин арчазору жўшқин дарёллар, серсув булоқлар, қадимий дарахтлар ва бошқа табиат ёдгорликлари кўркидан баҳра олиш ниятида Сурхондарёнинг Бойсун туманига сафар уюштирдик. Уч-тўрт кун вақти-вақти билан жала куйиб, эчкисўқмоқ йўлларни сирпанчиқ қилиши ижодий гуруҳнинг пурвиқор тоғларда юришини бироз мушкуллаштирди. Шундай бўлса-да, экспедициямиз олдида кўйган мақсадига тўлиқ эришди.

Дастлаб «Бойсун» ўрмон хўжалигининг Кенгдала бўлимига йўл олдик. Бир тепаликка чиқишимиз билан шундоқина пастликдаги чуқур дара эътиборимизни тортди. Бойсунликлар уни Қизилдара дейишар экан. Дарадаги жарлик ҳосил қилган шўрхок тошлар, турли шаклдаги қизғиш ва сарғиш харсанглар жуда мафтункор. Шу боисди, бу ерда кўплаб фильмлар тасвирига олинган.

Қизилдара табиат мўъжизаларидан бири. У ердаги харсанглар қумтош, сланец, оҳақтош, мрамар, гранит, кварц каби жинслардан иборат бўлиб, шамол, ёмғир, иссиқ-совуққа чидами ҳар хил бўлганидан йиллар

янада чирой бахш этиб турибди. Йўлда давом этдик. Қир-адирлар, боғлар ортада қолди. Чамаси ярим соат юриб, Дарбанд дарасига кирдик. Пастда Маҷай дарёси тўлиб оқаяпти. Баъзи жойларда сув тошдан-тошга урилиб, чўнг тўлқинлар ҳосил қилмоқда. Дарё июль ойигача пишқириб оқади. Бундай пайтда ундан отла ҳам, машинада ҳам ўтиб бўлмайди. Шу боис ҳар-ҳар жойда бир неча мустақам кўприк барпо этилиб, тоғ қишлоқларига бориш имконияти яратилган. Ўзи ҳам шу кўприклардан ўтиб, юксак чўққилар томон ўрлаймиз. Мана бизни маҳлиё қилган ваҳимали дара. Деворси-

орқали туманининг бир неча қишлоғига етказиб берилаяпти. Ундан ортада Маҷай дарёси сувини сезиларли даражада кўпайтирмоқда. Соҳа мутахассислари ва олимларнинг эътирофи этишича, қоя ортида улкан ер ости кўли бўлиб, Хўжа Майхона ота булоғи суви шу кўлдан

заррин нурлари остида Қизилнавр қишлоғидан виқорли тоғлар сари отландик. Бойсун тоғи баланд ва маҳобатли. Улкан Қизилнавр шаршараси шу тоғнинг денгиз сатҳидан икки ярим минг метр баландлигида жойлашган. Унинг яқинига бориш учун икки ярим соат вақт



Биринчи мақола

чиқиб келади. Қолаверса, 8-9 километр олинсадаги тоғ тепасида жойлашган тектоник ёриқ, яъни Зинданақ чуқурлигига қираётган кўп миқдордаги қор сувлари ҳам айнан шу улкан булоқдан чиқиши аниқланган.

Маҷай дарёси бўйлаб улкан дара ичидан бир чақиримча юргач, очикликка чиқдик. Кечта яқин атрофи арчазорлар билан қопланган Қизилнавр қишлоғига етдик. Май ойи бўлишига қарамасдан, ҳаво салқин. Қишлоқ ўртасидан оқиб ўтаётган дарё бўйлари саритол ва наъматак каби турли буталар билан қопланган. Улар орасида Ўзбекистон «Қизил китоби»га киририлган чаканда ўсимлиги ҳам борлигидан хурсанд бўлдик.

ШАРШАРА ПОЙИДА Сафаримизнинг иккинчи куни. Ҳаво очик, Эрталабки кўёшнинг

сарфладик. Мана ўша бетакрор шаршара. Очиги, ўлкамизда бундай баланд шаршарани ҳали кўрмаган эдик. Яқинига боришнинг иложи йўқ. Сув ерга урилиши билан гўмбурлаб, бир қисми майда зарраларга айланмоқда. Яқинига йўлаган кишини бир зумда жиққа хўл қилади. 250 метрлик улкан шаршарани узоқроқдан кузатишга тўғри келди.

У дунё мўъжизаларидан бири. Бундай бетакрор шаршаралар Ер юзида санокли.

Шаршара Бойсун тоғининг Тошмачит, Арпаоя, Такаўйнар, Кўнғизбулоқ даралари ва кенгликларидан қор сувлари ҳисобига ҳосил бўлган. У йил бўйи оқмайди. Фақат апрелнинг иккинчи ярмидан июлгача шовуллаб туради. Қор эриб битиши билан у ҳам қуриydi. Сунг уни борлигича томоша қилмоқчи бўлганлар келгуси йилни кутишига тўғри келади.

Абдулла МАМАСОДИҚОВ, «Dunyo bo'ylab» телеканали масъул котиби



давомида емирилиб, турли кўринишдаги табиат ажойиботларини ҳосил қилган.

Қизилдара юқорисидан Бойсун тумани маркази кафтдек кўринади. Атрофи юксак тоғлар билан ўралган. Шаҳар четидан намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган юзлаб уй-жойлар унга

фат қояларнинг баландлиги 200 метрдан ортиқ. Дара кенлиги 20-25 метр келади. Турли бута ва ўтлар яшнаб турибди. Уларни томоша қилиб Хўжа Майхона ота булоғига етиб борганимизни сезмай қолибмиз. Булоқ баҳорда анча серсув. Оби ҳаётнинг бир қисми катта кувур

**ASAKA BANK**

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!  
«Асака» банк

2017 йил «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилиниши муносабати билан куйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини тақлиф этади:

«МАНФААТЛИ-2017»  
Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 26 турдаги ва хорижий валютада 13 турдаги қулай шартларда омонат турларини тақлиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:  
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!  
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!  
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўзи ихтиёрингизда!  
- миқдори чекланмаган!

(+99871) 120-39-81 | 120-39-60 | 120-39-63  
www.asakabank.uz  
Хизматлар лицензияланган

«Асака» банк сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!